## СИҚИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БУЙИЧА

## ШАРТНОМА № 5-2022

**Риштон туман** "21" январ 2022 йил

Бир томондан «FARISH METAN GAZ» МЧЖ. келгусида **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** деб номланувчи уз Низомига асосан иш юритувчи рахбар Носиров С.С, иккинчи томондан Махалла ва оилани куллаб кувватлаш келгусида **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** деб номланувчи уз Низомига асосан иш юритувчи рахбар М. Бекмирзаева туздилар ушбу шартномани шу хакдаким:

### 1. ШАРТНОМАНИНГ МАКСАДИ.

**1.1** **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**узида мавжуд махсулотни етказиб бериш, **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** эса етказиб берилган махсулот учун уз вактида туловни амалга ошириш мажбуриятини олади;

| Махсулотноми | Улчовбирлиги | Йилдавомидаумумий | Жумладанчоракларбуйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV |
| Сиқилгантабиий газ | куб.м. | | 439 | | | |

**1.2.** **«ИСТЕЪМОЛЧИ»**нинг автомобилини сиқилган газ билан тулдириш**«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**нинг автомобилларга газ тулдирувчи компрессор станцияси (АГТКШ) оркали амалга оширилади.

**1.3.** Етказиб берилган кун деб **«ИСТЕЪМОЛЧИ»**нинг автомобилини сиқилган газ билан тулдирилган кун хисобланади.

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

**2.1** 1000 куб.м, сиқилган газ учун тулов 2 800 000 (икки миллион саккиз юз минг) сўм қилиб белгиланди.
Шартнома тузиш вақтида шартноманинг умумий қиймати 1229200 (бир миллион икки юз йигирма тўққиз минг икки юз) сўм,
Ушбу сумма хом-ашё,ёкилги-энергетик ресурсларни нархини узгариши, хамда меъёрий далолатнома ва Узбекистан Руспубликаси хукуматининг кароларини узгариши баробарида узгариши мумкин.

**2.2** Сиқилган газ учунтулов, конунда курсатилган шаклда, банк коидаларига риоя килган холда, етказиб берилаётган кунни декларацияланган нархларини кайд килиш реестрига асосан амалга оширилади.

**2.3**Сиқилган газ тулдириш 100% ли олдиндан тулов **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**нинг хисоб ракамига утказилгандан кейин амалга оширилади..

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**3.1** **«ИСТЕЪМОЛЧИ»**ГБМ (газ баллон мослама)ли автомашинани ишлатаётган (эксплуатация) вактида техник холатига,техника хавфсизлигига тулиқ жавобгардир.

**3.2** **«ИСТЕЪМОЛЧИ»**мажбурияти:
**«ИСТЕЪМОЛЧИ»** нинг газ тулдириш учун АГТКШга келган транспорт воситасида куйидаги меъёрий хужжатлар булиши шарт:
А)Газбалони техник синовдан утганлиги хакидаги ДАЛОЛАТНОМА.
Б) Хайдовчи газ балонли автомобилни бошкаришга укиганлиги хакида гувохнома
В) Автомашина техник паспортида ДАН органлари томонидан газ мосламаси урнатилганлиги тугрисидаги белги.
Г)Автомашина техник паспортида техник курикдан утганлиги хакида белги.

**3.3.** **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**ва **«ИСТЕЪМОЛЧИ»**сиқилгангазни, газ сиғимини уртача кунлик меъёрй даражасида бир маромда олиш ва бериш мажбуриятини олади. **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** сиқилган газни олиши буйича барча узгаришлар тугрисида**«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** ни чорак бошланмасдан 15-кун муддат олдин ёзма равишда хабар килади. **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** ишлаб чикариш жараёнида АГТКШ ни жорий таьмир учун тухтаган вактда **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** ни 3-кун олдин, капитал таьмир учун тухтатишдан олдин иш бошланмасдан 15-кун олдин огохлантиради;

**3.4** **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**куйидаги хукукларга эга :
А) Автомашинани газбаллонли ускунасини ишлашини созлигини, улчов-назорат асбоблари ва ёпкич арматурасини текшириш.
Б)**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**газ тулдириш шахобчаси регламенти коидаларига буйинсунмаган ва шартнома шартларини бузган такдирда сиқилган газ тулдиришни тухтатиш,

### 4.ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШ ВА ТУЛОВ ТАРТИБИ.

**4.1** **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** га бериладиган сикилган табиий газ микдори **«ЕТКАЗИББЕРУВЧИ»**нинг улчов асбобларида,(АГТКШ) орқали **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** га бериладиган газ микдори жадвали билан келишилган холда «Узбекнефтгаз» МХК томонидан 28.11.95.йили тасдикланган «(АГТКШ) дан берилаётган газ микдорини улчаш, хисоб-китобкилиш РД Уз 51-034-94 услубига» асосан хамда Давлат стандарт қумитаси томонидан тасдикланган (13.01.96 йилдаги№418)ва 12.04.96 йили**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**ларбилан (АГТКШ) орқали берилган газ учун хисоб-китоб килиш кулланмасига асосан аникланади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

**5.1** Сикилган табиий газни меъёридан ортик олинганда кушимча шартнома тузилади.

**5.2** **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**ва**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**қуйидаги холларда бериладиган газ микдорини камайтириши мумкин ва бунинг учун жавобгар бўлмайди;

А) АГТКШга табиий газни етказиб берувчилар технологиик жараёнида юзага келадиган авария холатида, магистрал газ кувурларида, шахар газ, элрктр тармоқларида олдиндан хисобга олиб булмайдиган мажбуриятлар пайдо булганда.

Б) Ёнғин, ер кимирлаш ва табиий офатлар булганда.

В) Магистрал газ кувирларида навбатдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилганда, шахар газ, электр тармокларида синов ишлари олиб борилганда хамда сварка ишлари олиб борилганда.

**5.3** Томонлар ушбу шартнома шартларига риоя килмаганда ёки тулик бажармаслиги окибатида келиб чикадиган келишмовчиликлар Ўзбекистан Республикаси конунлари ва иқтисодий судларга мурожат қилиш тартиби буйича хал килинади.

## 6. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

**6.1** Ушбу шартнома томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабр кунига кадар амал килади.

**6.2** Шартнома икки нусхада тузилган булиб, бир нусхаси **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**да иккинчи нусхаси **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** да сақланади. Ушбу шартномада кузда тутилмаган масалалар юзасидан томонлар хозирда амалдаги конунлар асосидаиш олиб боради.

**Шартномага илова:**

А)**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**лар ДАН томонидан руйхатдан ўтказилган автомашиналарни газ сарфи, микдори ва маркаси курсатилган хисоб китобини.

Б)**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**лар балансидаги автомобиллар русуми ва давлат белгиси курсатилган руйхатини такдим этади.

| **«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»** | **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** |
|---|---|
| **«FARISH METAN GAZ»** | маҳалла ва оилани |
| **Риштон туман Қалайнов қишлоғи** | қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Х/р 20208000304977746001** | х/р 23402000300100001010 |
| **Агро банк Фарғона шахар** | Марказий банк |
| **МФО: 00495.** | МФО 00014 ИНН 207316670 |
| **СТИР: 302032053** | ш/х 100022860302247011906259001 |
| **Тел: +99890-833-57-75** | |
| **Рахбар: ________________ С.С.Носиров.** | И. Бекмирзоева |